

Туркистон

Элим деб, юртим деб



ёниб яшаш керак!

Кўнгил битиги

ЁРУФ ЛАҲЗАЛАР

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 6 сентябрь, чоршанба. №70 (14352)

БУЮК КЕЛАЖАКНИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚУРАДИ

Ўзбекистон халқи истиклолга эришган илк кундан бошлаб ўз олдига буюк келажак қуришдек олий мақсадни қўйди. Аини пайтда амалга оширилаётган барча ишлар шу мақсадга қаратилган. Буюк келажакни баркамол авлод доно, билимли, интилувчан ва қобилиятли ёшлар қуради. Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури айнан ана шундай авлоднинг тарбиялаб, вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиб фойдаланишга топширилаётган мактаб, лицей, гимназия ва коллежлар сони тобора ортиб бораётир.

2 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримов шундай билим масканларидан бири - Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий хунармандлик касб-хунар коллежининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мазкур коллеж ўз лойиҳаси жиҳатдан республикамизда ягона бўлиб, Меҳнат вазирилик буюртмаси асосида бунёд этилди. Унинг қурилишига 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Замонавий меъмورлик анъаналари асосида қад ростлаган мазкур бинода 1250 нафар ўқувчи таълим ола-

ди. Бу ерда ўқувчиларга дурадгорлик, газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, заргарлик буюмлари ва тақинчоқлар тайёрлаш, миллий меъмورлик-декоратив санъати ва нақши каби йўналишлар бўйича таълим берилади.

Янги илм маскани энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Кимё лабораторияси, информатика хонаси ва тўртта ишлаб чиқариш устахонасининг жиҳозланиши жаҳон андозаларига жавоб беради. Тикундизайнерлик хонасида

эса дунёга машҳур "Pfaff-Singer" компаниясининг тикун машиналари ўрнатилган.

Коллежда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароит кишида ҳавас уйғотади. Бу ерда теннис кортлари, футбол майдони ва ёпиқ спорт зали мавжуд. Усти ёпиқ сув ҳавзасида эса қишин-ёзин сузиш билан шуғулланиш имконияти бор.

Давлатимиз раҳбари янги ўқув мавсумида иш бошлаган мазкур коллеж очилишида сўзга чиқиб, Ўзбекистон келажак

тинглади. Мамлакатимиз раҳбари коллежлардаги ўқув хоналарини жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

— Биз дунёнинг энг ривожланган давлатларида, жумладан, Япония ва Жанубий Кореяда бу иш қандай йўлга қўйилганига эътибор қаратиб, уларнинг илғор ўқитиш услубларини ўрганиб, мактабларимизда ўзимизнинг миллий таълим-тарбия борасидаги тажрибаларимиз билан уйғунлаштирсак, мақсадга мувофиқ бўлади, - деди Президент.

Ислам Каримов коллежда заргарлик, бадиий ўймакорлик ва нақш сингари миллий хунармандлик турларидан илм берилишига юқори баҳо берди.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА мухбири

ги айнан ана шундай замонавий билим масканларида таълим оладиган ёшларимиз қўлида бўлишини яна бир бор таъкидлади. Маросимда сўзга чиққан ота-оналар ва ўқувчилар Президентимизга ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор, яратилаётган имкониятлар ва гамжўрлик учун миннатдорлик изҳор қилди.

Ўртбошимиз коллеждаги синф хоналари ва устахоналар билан танишув чоғида ўқувчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини

Инсон ҳаёти турли-туман кунлардан иборат. Биринчиси кечса, иккинчиси омадли кечади. Яна бирлари эса умр бўйи ёдда қоладиган воқеаларга, қувончли дамларга бой бўлади. Бугун барчамизнинг ҳаётимизда ана шундай лаҳзалар туташган кун. Бу лаҳзалар тарихни ёдга олишга ва келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Бу лаҳзалар юракка ҳаяжон солади.

Бугун биз ўз ҳаётимизни сарҳисоб қиладиган кун. Бугун биз ўзимизга ўзимиз ҳақимизда ҳисобот берамиз. Ўтган фурсат ичида шу юрт учун нима қила олдик? Нималар қилмоқчимиз? Нималарга қодирмиз ўзи?

Бу каби саволлар барчамизни безовта қилиши ва шу билан бир қаторда келгуси ҳаёт режаларини тузиш жараёнида кўмакчи бўлмоғи лозим.

Шу Ватан бизники. Демак, ундаги бўлаётган байрамлар, барча шоду хуррамликлар бизга аталган. Юрт тинчлигини таъминлаш ҳам бизнинг зиммасида. Осойишталик дорилмомон кунларни етаклаб келади. Бундай кунлар эса умримизни безайди. Умр Ватан йўлидаги қадамлар бўлмоғи лозим.

Кўзинг очиб кўрдинг нени, Қай гул мафтун этди сени? Ул Ватандир, гул Ватандир, Кучоғига эқди сени.

Киндик қонинг томган тупроқ, Боболардан қолган тупроқ, Жон чекилган, қон чекилган, Алар боис алвон тупроқ.

Ватан надири, Ватан надири? Ватан — меҳр, Ватан — сабр.

Хам садоқат, софдиллиги — Ок йўрак, оқ либос каби.

У сенга бир содиқ ҳамроҳ, Меҳри дўстдан мустаҳкамроқ, Арзғайди унинг учун — Юрагиндан тиксанг байроқ.

Ватан надири, Ватан надири? Бул шундоқим аталадир — Жаннат истаб бўлма гирён, Асли ризвон Ватандадир.

Ориф ТҲУТАШ

Ҳаяжон

БҲЙНИМДАГИ ТУМОР

Мен ифтихор билан айтишим мумкин бўлган сўз ушбуди: Мен Мустақилман! Бу сўзнинг салмоғи ҳар қандай тарози палласига оғирлик қилгани боис, мен уни авайлайман.

У менинг сўзим — Ифтихорим! Уни ҳеч кимга "едириб" қўймайман. Шундай қилмасам меъдага урган таом каби кулоқларни чарчатиши мумкин. Чунки мен уни ҳар қадамда дилмидан тилимга чиқариб тураман.

Айтилган сўз — отилган ўк: Мен Мустақилман! Бу калом дўстимнинг кўнглини тоғдек кўтариб юборса, душманнинг юрагини жароҳатлайди...

Менинг сўзим ерда қолмайди: Мен Мустақилман! У оқуш бўлиб кўкка учайди. Бир қанотида ўтмиш билан парвоз қилса, бир қанотида келажак билан...

Менинг сўзим ўтади: Мен Мустақилман! У ўтиш даврининг ҳар қандай машаққатини тортишга рози. Чунки бу кўприк муқаддас кўприқдир.

Мен бу сўзни тилга олаётим, бехосдан ўтмишимни ўйлайман. Кечанига ким эдим? Мустақил эдимми? Ҳеч эшитганмисиз, қулнинг "мен қулман" деганини? Бу сўзни ишлатишдан орқилади қул. Аммо, даҳшатлиси, у қўлидаги шу кишан қурғурга ҳам бориб-бориб кўнгил қўйиб қолади-да. Мен ўтмишдан аллақачон хулоса чиқарганман. Мустақиллик сабоғи ана шундай бўлади-да, ўзи.

Мен бу сўзни тилга олаётим, бехосдан бугунимни ўйлайман. Бугун кимман? Мустақилман! Бугун нима бўлади? Бугун юрт аро Мустақиллик тўйи бўлди. Бугун нима қиламан? Тонг сажарда тўй майдони сари йўл олаётган одамлар сафига қўшиламан. У ерда мен кимга дуч келаман? Дўстларимга, ватандошларимга, замондошимга, кадрдонларимга ва нийоят... бахтиёрликдан сирли жилмайган бир қизнинг нигоҳига!

Мен бу сўзни тилга олаётим, эртани-да ўйлайман. Эртага нима бўлади? Мустақил юрт фарзандлари мактаб, институт кучоғига ошиқадилар. Устоз шогирдларга савол ташлайди: Мустақиллик нима-ю, қуллик нима?

Мен эса ҳаёт отли устозга ўрнимдан туриб жавоб бераман:

Қуллик — бўйинга осилган занжирдир. Қуллик... ҳаётнинг бир пулигидир. Мустақиллик эса... мустақиллик — бўйинга осилган занжир эмас... тумор. Она Ватаннинг кўз тегмасин деб бўйинимга осиб қўйган тумори у.

Демак, Мустақиллигимизга кўз тегмасин!

Шоди ОТАМУРОД, "Туркистон" мухбири

"Камолот" ҳудуди

Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси ташаббуси билан "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари" мавзусида наватбадаги семинар тренинги Олти-

ҲАМЖИҲАТЛИК ЙИҒИНИ

ариқда бўлиб ўтди. Семинар Фаргона, Андижон, Наманган вилоятлари "Камолот" жамғармалари, Халқ таълими, Хотин-қизлар кўмита-

си, ИИБ, прокуратура хоналари тақлиф этилди. "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдураимов вояга етмаганлар ўртасида жи-

ноятчиликни олдини олиш муаммолари хусусида батафсил тўхталди. Жумладан, жойларда жамғарма ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада яқшилатиш, жиноятчилик пайини қирқилишининг асоси

бўлишини таъкидлади. Анжуман хулосасига кўра вояга етмаганлар ўртасидаги содир этилаётган жиноят маҳалларда ҳафтада бир маротаба муҳокама этиладиган бўлди.

А.ХОНКЕЛДИЕВ, Олтиариқ тумани

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Яқинда Булунгур туманидаги "Юлдуз" кинотеатрида "Соғлом авлод" хайрия жамғармаси ҳамда туман кинолаштириш идораси билан ҳамкорликда катта шоу концерт ўтказилди.

Шоу концертда "Томчи", "Нигоҳ", "Бек" ҳамда "Сўғдиёна" гуруҳлари иштирок этди.

"Соғлом авлод йили"га бағишланган бу тадбир бошқаларидан ажралиб турди.

Заргулхон ЭРНАЗАРОВА

ВАТАН БИЗНИКИДИР

Республика ёшлари "Камолот" жамғармаси республикамизнинг турли вилоятларида "Биз Ватанини ҳеч кимга бериб қўймаймиз!" мавзусида ижодий учрашувлар ташкил қилмоқда.

Яқинда Тошкент вилоятининг Паркент ва Бўстонлик туманларида тадбир бўлиб ўтди. Унда таниқли санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар иштирок этдилар.

"Фабд", "Сетора", "Садаф" гуруҳлари, Лариса Маскалёва, Раёно Ҳрозбоева, Дилбар Назироваларнинг она-Ватан, мардлик, мухаббат, истиқлолни мадҳ қилувчи қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Акбархон МАҒДИЕВ

Сувости кемаси қўтқарилади... СИНОВА

НАТО 1986 йилдан буён ҳар уч йилда сувости кемаларини қўтқариш бўйича ўқув машғулотларини ўтказиб келади. Охирги машғулотлар 1999 йилга мўлжалланган эди. Бироқ, Туркиядаги кучли ер сил-

киниши туфайли у қолдирилган. Ҳали-ҳамон дунё ҳамжамияти эътиборидан узоқлашмаган "Курс" фожеасидан кейин эса ушбу қолдирилган синовларни қайта тиклаш зарурати туғилди. Ва ушбу ўтказилажак синов жараёни эндиги сафар эътиборлироқ тарзда ўтса ҳам ажаб эмас. Чунки ер юзида ҳалокатга учраган кемалар-

ни ўз вақтида ва зудлик билан қўтқариб қолишга қодир куч бўлмас экан, сувда фаолият кўрсатиш ё саёхат қилиш инсоният учун доимий хавф бўлиб қолаверади.

Ўртаер денгизининг Мерсин порти яқинида бошланган машғулотлар давомида эса НАТО қўтқарувчилари сув остига чўккан тўртта ке-

манни излаб топиш, 144 метр чуқурликда ётган кема экипажини қўтқариш каби машғулотлар билан шуғулланишди.

Қурилл ороллари Россияда қоладиган бўлади

Кеча, яъни сешанба кuni эрталаб ниҳосига етган Россия Президентини Владимир Путин ва Япония ҳукумати бошлиғи Иосиро Мори ўртасидаги музокаралар давомида тинчлик шартномаси муаммоси бўйича хужжат имзоланди, дейилади Росси-

янинг «Новости» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларда. Аини пайтда қайд қилинадики, бу борадаги келишув Қурилл ороллари муаммоси, яъни Итуруп, Кунашир, Шикатан ва Хабомай оролчаларининг кимга тегишли бўлиши борасида узил-кесил хулосага келинган тақдирдагина ҳал бўлади.

Ушбу музокаралар давоми-

да имзоланган яна бир хужжат Россия ва Япониянинг халқаро сиёсат борасидаги ҳамкорлиги тўғрисида бўлди. Унга кўра ҳар иккала мамлакат Ракетага қарши мудофаа борасидаги битимни ва ядро синовларини бутунлай таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани ўз кучида қолдиришга тарафдорлиги маълум қилинади.

ОЛАМ ОВОЗИ

Қурилл ороллари Россияда қоладиган бўлади

Кеча, яъни сешанба кuni эрталаб ниҳосига етган Россия Президентини Владимир Путин ва Япония ҳукумати бошлиғи Иосиро Мори ўртасидаги музокаралар давомида тинчлик шартномаси муаммоси бўйича хужжат имзоланди, дейилади Росси-

янинг «Новости» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларда. Аини пайтда қайд қилинадики, бу борадаги келишув Қурилл ороллари муаммоси, яъни Итуруп, Кунашир, Шикатан ва Хабомай оролчаларининг кимга тегишли бўлиши борасида узил-кесил хулосага келинган тақдирдагина ҳал бўлади.

Ушбу музокаралар давоми-

да имзоланган яна бир хужжат Россия ва Япониянинг халқаро сиёсат борасидаги ҳамкорлиги тўғрисида бўлди. Унга кўра ҳар иккала мамлакат Ракетага қарши мудофаа борасидаги битимни ва ядро синовларини бутунлай таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани ўз кучида қолдиришга тарафдорлиги маълум қилинади.

КУДРАТЛИ МАНБА

Маънавият — миллат кифёси

Давоми. Аввали ўтган сонларда

Ана шу гоё қийин ва мураккаб даврда демократик тамойилларга асосланган, бозор иқтисодиётига таянган мустақил мамлакат барпо этишнинг Ўзбекистон учун мис ва хос бўлган "Ўзбек модели" халқнинг жонига ора кирди, ўзга жумхуриятларга нисбат берилганда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолди.

Тараққиётда сулғашиб рўй берди, лекин, издан чиқиб кетилмади, халқнинг турмуш даражаси пасайди, аммо, ялли ҳалокатга дучор бўлмади. Бош ислохотчи вазифасини зиммасига олган Давлат ижтимоий ҳимояни ҳам ўз зиммасига олди.

Давлат халқни ўз ҳимоясига олди, халқ давлатнинг таянчига айланди. 1991-92 йилларнинг энг оғир кунларида - ун, гуруч, чой, нон, ёғ, шакар жон бошига ўлчаб берилган кунларда ҳам халқ сабр ва бардош билан меҳнат қилди, барча қийинчиликларни тишини тишига босиб енгди.

Тинчлик, тотувлик ва ҳамжихатлик ўзбек заминиде яшаётган ҳар бир инсон учун куч-қудрат, сабр-матонат манбаи бўлди, отдан тушса-да, эгардан тушмаган, халқни республика раҳбариятига қарши қўзғатишдан умидини узмаган турли тоифадаги "халқпарварлар"нинг кутқусига ўтмади.

Энг муҳими миллатлараро муносабатларга путур етмади.

Шунинг учун ҳам Мустақилликнинг ўн биринчи ойи бошланган кунларда ўтказилган Республика Олий Кенгашининг сессиясида халқнинг навбатдаги ягона ва олий мақсади - Миллий гоё Юртбошимиз тилидан шу тарзда янгради:

"Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қиладиган ишлар ва гоёлар оз эмас. Уларнинг ичиде энг улуги, энг олижаноби - Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, шу гоё атрафиде бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!"

Бу гоё - катта қисми қишлоқларда, бир қисми эса шаҳарларда истиқомат қилувчи тарихий индиз бири, тили бири, маънавий-руҳий дунёси бири, урф-одати, ахлоқий таомиллари бири, диний эътиқоди бири - Ўзбек миллатининг ва шу заминга меҳр қўйиб яшаётган бошқа миллат ҳамда эллар фарзандларининг орау-умидларини, ягона ва олий мақсадини ўзида жамлагани туфайли, пировардида, энди кучга тулган, жозиб қудратига эга бўлган ва мазмунан ёркинлашган Миллий гоёга, яъни, миллий Истиқлолнинг жонига ва қонига айланди.

Бу баландпарвоз гапми? Асло!

Ушбу фикрга иқдор бўлиш учун Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эсга олиш кифой:

"Биз учун мустақиллик - энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзгаларнинг қўлига, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўтабар шу Ватанде, ҳар бир хонадонде тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизде адолат, дину диёнат, меҳр-оқибатни қарор топтиришдир."

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонде яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт куриш, келажак авлодлар учун озоде ва обод Ватан қолдиришдир."

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг ҳақонде обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини қуришдир. Ҳар бир фуқаро учун — миллати, ирки ва диний эътиқодидан қатъий назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир."

Бу — шунчаки айтилган фикр ёки давлат раҳбари белгилаётган вазифалар эмас, балки Президентнинг ва халқимизнинг кўнглидаги ягона ва энг олий мақсад бўлиб, мана шу муштаракликнинг ўзи ҳам уни Миллий истиқлол гоёси, деб аташ учун тўла ҳуқуқ беради.

Мустақиллик йилларида озоде Ўзбекистоннинг қадди тикланиб, халқнинг руҳи юксалди. Иқтисодиёт билан биргаликде миллилатнинг маънавий оламида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди.

Истиқлол галабаларини мустақамлаш орқали Истиқлолнинг мустақам пойдеворини яратиш бутун жамият фаолиятининг моҳиятига айланди.

Бугунга келиб қўп миллионли Ўзбекистон аҳлининг кўнгли орзулари Юртбошимиз томонидан юксак минбардан айтилган "ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ" деган сўзларде ўзининг гоётаде теран ва ихчам шаклини топди.

Бу - Миллий гоёмизнинг асл моҳиятидир.

Олимлар ва мутахассислар ушбу фикрни яна бир мулоҳаза қилиб қуришлари учун Президентимизнинг қуйидаги сўзларига мурожаат қиламиз:

"Мақсад дегани - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурури - ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини муқоссамлаштирадиган улуг қудир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, юртимизнинг мақсади ўзининг улугворлиги, ҳаётбиллиги ва ҳақонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлиши лозим. Токи, бу мақсад халқни - халқ, миллатни - миллат қила олсин, қўлимизде енгилмас кучга айлансин."

ГОЯ ҲАМ БИР НЕЪМАТ

Таъбир жозиб бўлса, Гоё ҳам бир неъматдир.

Агар ўзга моддий неъматлар инсоннинг қорнини тўқлашга, соғлигини таъминлашга, жисмоний кучини оширишга хизмат этса, Руҳий неъмат кўнглини гурури, ишонч ва умид туйғуси билан қувватлантиришга хизмат қилади.

Оддий овқатни тайёрлаш ва истеъмол қилишга бир талай масалликдан ташқари, бир талай рўзгор ашблари керак бўлади.

Руҳий неъмат эса оммавий ахборот воситалари, баъдий санъат асарлари, илмий мақолалар, суҳбатлар ёрдамида тановул қилинади.

Бу унсурларнинг ҳаммаси мафкура куроллари, деб аталади... яна орта чекинми, мулоҳаза юритадиган бўлсақ, то XX асрнинг ибтидоисига қадар, гарчи, Миллий гоё халқимизнинг пешқадам қисмининг кўнгли ва ҳаёлида яшаб келган, уларни халқ эркини тизгинлаган урф-одатлар, тушуңчаларга, энг асосийси, истибодчиларга қарши курашга олтинтириб келган бўлса-де, Миллий мафкурага айланмишга замин йўқ эди.

Чунки, фақат, ақсарияти деҳқончилик ва чорвачилик билан, озчилик қисмига хунармандлик ва тижорат билан шугулланган халқимизнинг турмуш тарзи, таълим тизимининг бир ёқламалиги натижасида саводхонлик ва фикрлаш даражасининг чекланганлиги, тор қабилчилик, урғ-аймоқчилик аъёнчалари, диний мутаассиб-ликнинг кучлилиги, ўзаро ички низоларга сабаб бўлиб, элни бирлаштиришга эмас, айнан парчалашга, ёвлаштиришга хизмат қилиб келарди.

Бахтиёр РИЗО

(Давоми бор)

АССАЛОМ, МАКТАБ!



Мустақиллик дарси билан бошланди.

ИНСОН, ЖАМИЯТ, АВФ

Биргина "кечиринг" деган сўзни айтиш ва бунга муносиб жавоб қайтариш билан кўнглидаги бузилган кўприклар тикланади.

Инсон яралибдики, ҳаттолардан холи эмас. Инчунун, ҳаттоларни тузатмоқ ҳам инсонгагина ато этилган.

Жамият. У инсон ақли-идрокининг маҳсули демак. Демак, ҳар қандай жамиятда хато ва жиноят мавжуд. Ақс ҳолда, у ҳақиқий жамият даъвосини қилмай қўя қолсин.

Хатони тузатмоқ мумкин. Жиноятчи-чи? Уни тузатиб ёхуд тўғрилаб бўладими? Йўқ. Унинг олдини олиш мумкин. Мабодо, олдини олиш имконияти бўлмаса ёки шунчаки олинмаса —


жазо муқаррар.

"Куч адолатдадир" — бу Соҳибқирон давлатининг бош шiori эди. Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданок мазкур шioriни байроқ қилиб кўтарди. Адолатли демократик жамият ўз фуқароларининг хато ва жиноятларини кечиринмоққа (албатта айрим жиноятлар бундан мустасно) ҳамиша тайёр. Бундай кечиринмоққа ва афвлар жамиятга ҳар жиҳатдан фойда келтиради. Айниқса, маънан.

... Мен бир кишини биламан. Содир этган

Биринчи кўнгирак ча-линди ҳамда юз минглаб ўғил ва қизларимиз олдида билимлар оламининг эшиги яна очилди. Республикаимизнинг барча мактабларида янги ўқув йили аънагага кўра Мустақиллик дарси билан бошланди.

Бунинг чуқур рамзий маъноси бор. Зеро, янги ҳаёт бунёдкори бўлган ёш авлод мустақил Ватанимиз тарихининг мураккаб даврларини яхши билиши лозим. 9 йил аввал халқимиз танлаган озошлик ва демократия



бугунги ёш авлод учун келажак сари етакловчи ёркин йўл бўлиб қолади. Пойтахтимизнинг

Юнусобод туманидаги 17-мактаб-гимназиянинг биринчи синф ўқувчилари ҳам Мустақиллик дарсини давлатимиз рамзлари - Байроғимиз ва Мадҳиямиз таърифини тинглашдан бошлашди. Болалар республика раҳбарияти уларнинг соғлом ўсиши, ҳар томонлама билимли, Ватанпарвар ва халқпарвар инсонлар бўлиб вояга етишлари учун амалга ошираётган улкан ишлар тўғрисида маълумотга эга бўлишди.

(Ўза)
А. ТўРАЕВ олган суратлар

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбиде муқаддас Ватанга, миллатга садоқат руҳини шакллантириш мақсадида "Қамолот" жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими томонидан "Бухоро" ўйингоҳида "Фидойинг бўлмаймиз сени, Ўзбекистон!" концерт-фестивали ўтказилди.

Унда ўзбек эстрада-сининг таникли хушозвон хонандаси Дилфуза Раҳимова ва бухоролик санъат усталари иштирок этишди.

Умид РАҲИМОВ

ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ


Андижон шахрининг муҳташам "Наврўз" ўйингоҳида "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" кўшиқлар фестивали бўлиб ўтди. Унинг асосий ташаббускорлари Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" жамғармаси вилоят бўлими ва Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти бўлди.

"Ўзбекистон бизники! Уни ҳеч кимга бермаймиз. Ватанин сотмоқчи бўлганлар билинларки, уларнинг ўзлари сотилган. Ватан сотилмайди!" - деган шior анжуманининг асосий мазмунини ташкил этди.

Албатта, мана шундай гўзал юрт, обод ва озоде диёр ҳеч қачон ватанфурушларга бериб қўйилмайди. Чунки бу элнинг "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" дея қуйлаётган миллион-миллион фидойи ўғил-қизлари бор.

Хуршидбек РЎЗИЕВ, Андижон шахри

Таълим ва ислохот



— Тошкент Давлат авиация институти — Мустақиллик меваси сифатида бундан беш йил аввал ташкил топганди, - дейди ректор Шарофиддин ГАНИХОНОВ.

— Ўтган қисқа даврда мамлакат авиация саноатида улга юздан ортиқ малакали мутахассисни тайёрлаб бердик. Айни пайтда эса институтимиздаги авиаракетасозлик, авиация ва коинот техникалари эксплуатацияси, иқтисодиёт, экология ҳамда касбий педагогика йўналишларида тахсил олаётган бир минг беш юз ўлтти бир нафар талабанин интеллектуал салоҳиятини ошириш учун профессор-ўқитувчиларимиз куч-гайратларини аямаяптилар. Уларнинг сони янги ўқув йилларида бошлаб яна тўрт юз беш нафарга қўпайди. Талабаларимизга дастлаб иккинчи курсга умумтехника факультетида табиий фанлар, жумладан математика, физика, кимё, чизмачилик, инглиз тилларини чуқурлаштириб ўргатаёلمиз. Сўнгра уларнинг учинчи курсдан бошлаб институтимиздаги авиаконинот ва фуқаро авиацияси факультетларида йўналишлар бўйича ўқитаямиз. Авиаконинотда асосан самолётларни ишлаб чиқарувчи технолог, конструктор, иқтисодчилар тайёрласак, фуқаро авиациясида самолётларни таъмирлаш ва етишга тайёрлаш соҳалари учун мутахассислар етиштириб бермоқдамиз. Мазкур факультетларимиз

ТАЛАБАЛАРИМИЗ "ЎЗБЕК ИСТИҚЛОЛ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ"ДА...

да самолётларни лойиҳалаш ва уларни ишлаб чиқариш технологияси, аэродинамика, самолётларнинг электр жиҳозларини таъмирлаш, аэродром техник воситаларини ўрганиш фанлари ёшларимизга бугунги кунда чуқур ўргатилмоқда.

— **Авиация соҳаси бўйича фақат рус ва француз тилларидаги адабиётлар мавжуд эканлигини талаблар таъкидлашмоқда... Айтингни, ўзбек тилидаги адабиётлар ёшларнинг эҳтиё-диросалайтими?**

— Заҳираси тўқсон икки миғ нусхани ташкил этган институт кучи курсга умумтехника факультетида табиий фанлар, жумладан математика, физика, кимё, чизмачилик, инглиз тилларини чуқурлаштириб ўргатаёلمиз. Сўнгра уларнинг учинчи курсдан бошлаб институтимиздаги авиаконинот ва фуқаро авиацияси факультетларида йўналишлар бўйича ўқитаямиз. Авиаконинотда асосан самолётларни ишлаб чиқарувчи технолог, конструктор, иқтисодчилар тайёрласак, фуқаро авиациясида самолётларни таъмирлаш ва етишга тайёрлаш соҳалари учун мутахассислар етиштириб бермоқдамиз. Мазкур факультетларимиз



авиоконинотда, "Ўзбеккоинот" давлат космик тадқиқотлар агентлиги ҳамда Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш биришмасида мунтазам амалиёт ўтаб келмоқдалар.

— **Хориждаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганликларингизни эшитдик. Унинг самараси ҳақида гапириб берсангиз?**

— Дарҳақиқат, хориждаги ўндан ортиқ олийгоҳлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз бугунги кунга келиб мустақамланди. Бунинг самараси ўлароқ ёшларимиз АҚШ ва Англиядаги авиация саноатига ихтисослашган ўқув юртларида амалиёт ўтамоқдалар. Яқинда "Умид" грантини қўлга киритган яна бир талабамиз Руслан Фидойи Канадада ўқишни давом эттириш учун жўнаб кетди. "Устоа" жамғармаси гранти совриндори бўлган ўқитувчимиз Ботир Усмонов Германиянинг Гамбург университетиде тажриба алмашмоқда. Орзуларимиз кўп. Яқин келажакда бизнинг институтимизда ҳам нафақат самолёт ишлаб чиқарувчи кадрлар, балки учувчилар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилади.

Файзулла ЭШҚУЛОВ суҳбатлашди

ЯНА БИР ЯНГИ НАШР ТИРИКЛИК — УЛУФ НЕЪМАТ

Республика Фавқузода вазиятлар вазирлиги "Фуқаро муҳофазаси — Гражданская защита" деб номланган журналнинг илк сонини нашрдан чиқарди. Унда чоп этилган қизикарли мақолалар ўқувчиларнинг баҳо-мунозараларига сабаб бўлиши тўғрисида гап. Борий Алихонов ва Рустам Раззоқов республикамиздаги мавжуд сув хазиналари ва ресурслари, омборларнинг бугунги ҳолати ҳақида хабардор этади.



Бундан ташқари, Республика сейсмология институти директори, академик Қаҳқорбой Абдуллабековнинг ер қимирлаш ҳолатларини олдиндан аниқлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлари барча учун қизикарли бўлса керак.

Умуман, журнални қўлга олган ўқувчи мамнун бўлишига ишонамиз.

Мурод ИКРОМОВ

Мамлакатимиз жануби — Сурхондарёнинг Денов тумани Тортувли қишлоғида истиқомат қилаётган 26 ёшли Насрулло Холмуродовнинг ҳаёт йўли анча мураккаб кенди. Бахтли болаликнинг беғубор кунларини кечираётган бир дамда эндигина бешинчи синфни тугатганида ярим танаси ишламай оёқ қўлдан қолди. Лекин бу унинг иродасини синдира олмади, ўқишга бўлган қизиқишини сўндиролмади. Болалиги табиат қўнида кечганлигиданми, рассомликка унинг меҳри бўлакча эди. Шу сабабли, ердасининг синфни битиргач, Москвадаги Халқ амалий санъати университетининг рассомлик факультетида ўқишга кирди.




Уч йил давомида санъатнинг сир-асрорларини пухта эгаллади.

Адабиётга ва санъатга бўлган қизиқишлари туфайли шеърлар ҳам машқ қила бошлади. Кейинроқ "Сув париси ўқиган хатлар" китоби чоп этилди. Айнан ушбу китоби учун "Менин биринчи китобим" танловиде мукофот соҳиб бўлди.

У ёш ва ногирон бўлишига қарамай, кўпчилик эриша олманган муваффақиятларга эришди. Қишлоқдаги истеъодли йигитларни йиғиб, "Шайдо" гуруҳини тузди. Бугун унинг бирдан-бир овунчоги ҳам, ҳаётининг мазмуни ҳам мана шу гуруҳ бўлиб қолган. Ўз шеърларига қуй ба-

Абдурашул ПАРДАЕВ



МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ

Ўзбек шоирларининг янги китоблари


“ЙИГИТНИНГ ИЛК УСТОЗИ УНИНГ ОТАСИ”

Шоир Бобур БОБОМУРОД билан суҳбат

— Янги китобингизни нашрга тайёрлаш жараёнида кўпроқ нималар ҳақида ўйладингиз ва нега китобни “Эсиз одам” деб номлагансиз?
— Китоб ҳам фарзанддек бўлади. Соғиниб кутилади. “Эсиз одам”га келсак, бу тўпламдан умидим катта. Унга элимизга қўшиқлар орқали етиб борган ҳамда асосан янги машқлар киритилди. “Эсиз одам”ни муҳлислар олдида бир кичик сарҳисоб ва янги ижодий изланишлар деб билан. Номлаганимизга келсак, менимча, тўпламдаги баъзи шеърларнинг руҳи шуни таъза этди.
Пайтдан фойдаланиб китобни чиройли ва сифатли қилиб нашр этган “Шарк” нашриёти-матбаа концерни, “Ўзбексаноаткурилишбанк” жамоасига ўз самимий миннатдорчилигини билдираман.
— Кўп шеърларингиз атоқли санъаткорлар ижросида қўшиқ қилиб куйланмоқда. Айтинг-чи, илк қўшиқ тарихи қандай бўлган?
— 1994 йилда “Елғиз қолган аёл — ўзинга ишон” деган машқ тузилганди. Айни ўша пайт ҳурматли санъаткоримиз Юлдуз Усмонова Бухорода концерт бериб қолди. Залнинг ўзида оққа кўчириб, гул билан чиқариб берганман. Кейинги йил концерт дастурида ижро этилди. Ҳалигача учрашувларда шу шеъримни қайта-қайта сўрашади.
— Дейлик, йўлда кетаяпсиз. Тўсатдан сизнинг шеърингиз билан айтаётган қўшиқ янграб қолди. Сиз қандай ҳолат ва кайфиятга тушасиз?
— Авваллари хайрон бўлардим, ҳозир анча кўникдим. Шеър ёзаётганда қўшиқ бўлсин деган мақсадни қўймаман. Кўнглимдагини ёзаман. Худога шукр, машқларим ҳали матбуотда чиқмасдан, китоб бўлмай туриб эл ардоғидаги ҳофизларимиз назарига тушди, тушмоқда. Ҳатто авваллари айрим қўшиқчиларимиз мен ёзган нарсаларни қўшиқ қилиб, “ўзимники” деб айтиб юборишса, энди мен ёзмаган шеърларни ҳам “Бобур Бобомуродники” деб ўтказаятган ҳоллар ҳам учраб турибди.

— Айтинг-чи, хонандалар шеърларингизни қўшиқ учун танлашаётганда сиз билан маслаҳатлашишадими? Умуман, ҳофизлар билан ўзаро муносабатингиз қандай?
— Муносабатларимиз самимий, ижодий. Мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Афсуски, айрим хонандалар сал машхурроқ бўлишгач, уларда асосиз манманлик бошланади. Ўзимдан ҳам гоҳ “сўзи энгилроқ бўлсин” деб сўрашади. Одамларга ҳозир шу кераклигини даъво қилишади. Бутун бошли бир халқ номидан гапиришдан олдин, шу юртнинг тарихи, адабиёти, санъатини яхши билиш, маънавиятини ўйлаш керак. Шарқда хамиша қўшиқ мазмунига, сўзга диққат-этибор кучли бўлган. Ота-болаларимиз анойи бўлишмаган, элимизнинг ҳозир ҳам диди баланд. Яна бир гап. Ҳозир бизда ҳам шоу-бизнес ривожланыпти. Қўшиқчи, бастакор билан бир қаторда куйни бойитувчи (оранжировкачи),

лар онгига таъсир этиш мумкин.
— Киши сизни кўрганда “ҳаётнинг оғир-енгиллини кўрган, ҳатто тушқунликка тушган одам”, деб ўйлаши мумкин. Айни дамда сизни қониқтираётган ёки ташвишга солаётган нарса нима?
— Тўғри-ку-я, лекин болалигимдан бувимнинг, китобнинг, ҳаётнинг тарбиясини олганман. Улар менга яхшиликдан, қаноатдан дарс берган, сиполикка ундаган. Отамнинг ўғитлари ёдимда. Онамнинг кўзлари, улардаги ботиний дард менга ҳам ўтган. Қолаверса яхши инсонлар ҳамини менга мададор бўлишган. Мени кишилардаги бефарқлик, бир-бирини кадрламаслик қийнайди.
— Адашмасам кутилмаганда ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган Юлдуз Абдуллаеванинг “Шоиргина” қўшигининг клипиде иштирок этдингиз. Кўча-кўйда, ишхонада сизга қандай муносабатда бўлишди?
— Бу гоё бутунча санъаткоримизга тегишли. Қўшиқнинг сўзи Анвар аханики (Анвар Обиджон). Юлдузхон “Шунақа қўшиқ бор, илҳом париси тилидан айтади. Клип қилинади. Шоир ҳақиқий бўлсин, илтимос” деб сўраб қолди. Мен буни дўстона қабул қилдим. Мен ўзим соддароқ юраман шекилли, йўлда баъзан кишиларнинг қизиқиб қараганини сезсам ҳам эътибор бермайман. Ишхонада ёки мени шаҳсан таниганлар асосан маъқуллашди. Ўзим ҳали кўрмаганман, шунинг учун бир нима деймайман.
— Шоирни илҳомлантирадиган нарса нима? Ва уни нима сўндиради?
— Аввал кейинги саволнингизга жавоб бераман. Ҳасад, таъма, кибр — мана шу иллатлар ҳар қандай кучли иқтидорни ҳам сўндиради. Шундан асосан. Ижод учун ҳайратлана



БОБУР БОБОМУРОД

ТОЗАРИШ ЖАРАЁНИ

Баъзан ёшларни китобдан узоқлашганликда, энгил-елпи нарсаларга ружу қўйганликда айблашади. Бунинг асосий сабаблари нимада, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Яқинда китоб варақлаб ўтириб ажойиб бир нарсани ўқиб қолдим. Гуржи миллатида шундай бир ибратли одат бор экан. Улар киз ва йигитнинг тўйлари бўлишидан аввал имтиҳон қилишаркан! Гуржи халқининг буюқ мутафаккири Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” номли достонини айтиб бера олмаган келин-куёвнинг тўйларига рухсат берилмас экан ва келин-куёвнинг сарпосига ўша машхур асар, гуржи миллатининг фахри ва гурури бўлган достонни қўшиб совга қилиши уларни одати экан.
Менинг назаримда, бу ажойиб одат ёш келин-куёвда нафақат адабиётга бўлган муҳаббатни, балки инсонийлик туйғуларини, маънавиятни, энг муҳими миллий ифтихор туйғусини тарбиялайди. Бу тарбия ўша халқнинг халқ сифатида

ги энг катта маънавий ютуғидир.
Одам боласи борки, маърифат бор жойга, маънавият бор жойга яқинлашади. Бизнинг халқимиз гулхан атрофида жамланган дўстлар каби, шоирнинг атрофида бирлашган халқ. Ана шундай халқнинг болалари бугун нега баъзи ҳолларда китоб ўқимай қўйди? Бунинг сабаблари бор, албатта. Айни кунларда бу шеър, бу ҳақиқий адабиёт деб халққа тутаётган китобларимизнинг ҳаммаси ҳам талабга жавоб берадими? Китоб деб тутаётганларимизнинг бадиий савияси, гоёси қай аҳволда ўзи?
Бозор иқтисоди дейсизми? Шошмай туринг. Бозор иқтисоди дегани бу бадиий савияси баланд бўлган халқнинг дидини тубанликка тортиш дегани эмас. Бозор иқтисоди дегани харидоригр китоб чиқариб,

адабиётни велосипед пойгаси майдонига айлантириш дегани ҳам эмас-ку. Биз ҳамма осон йўللardan юришга ўрганиб қолганмиз. Мактабда дарс бераётган ўқитувчи маънавиятни ўқитиш учун осонроқ қўлланма яратиб беришларини сўраб хат ёзади, осонроқ тушуниладиган шеър сўрайди, ҳикоя сўрайди. Ҳамма нарса осон бўлиши керак, гўё... Халқнинг энг аввали, энг билимдон сафи бўлган ўқитувчилар ҳақиқий маънавият адабиётда эканини, Навоий бобонинг газалларида эканини тушунмаса, қўлланмалар излаб гирён югурса, Муҳтарам Юртбошимиз бежизга Навоий бобо асарларини ўқиш учун қўлланмалар яратиш ҳақида гапирмадилар. Бу дегани Навоийни ўқиган, уққан авлод маънавият бўлади деганидир. Президентимиз бежизга шарку гарб фалсафасини ўрганишга даъват қилмадилар. Донолар бисотини ўрганган авлоднинг ўз билими бахтли қилишини англаганлари

учун ҳам Юртбошимиз бу даъватни ўртага ташладилар.
Мен яна гуржи халқининг ибратли одатига қайтаман. Айтинг-чи, бизда ким қизининг ёки ўғлининг сарпосига Навоий асарини, “Алпомиш” достонини ёки “Ўтган кунлар” романини қўшиб берапти? Давримизнинг энг зиёли шахслари ҳам бундай гўзал ва инча одатни ўз ҳаётларида қўллаган эмаслар. Ваҳоланки, миллий ифтихор туйғуси энг аввал оиладаги муҳитда тарбияланади. Ёшлар китоб ўқимаётганидан оғринишдан олдин биз уларнинг тўйларида одамларга кўз-кўзлаш учун йиғайтган сарполаримизга, ялтироқ кийимларимизга “жонимизни фидо қилиб” харид қилаётган мебоелларимизга бир назар солайлик. Харид қилган нарсаларимизнинг қайси биринида маънавият бор, қай биринида адабиёт ва қай биринида муқаддас тушунча — эътиқод бор.
Бир йиғинда ўтириб қолдим. Тўй бўлаётган

Ёшлик баҳслари
қиз ва йигитга севимли шоирамиз Турсуной Содикованинг “Ҳазрати аёл” китоби совга қилинаётган экан. Бу ҳам одамларнинг ички ва ташқи муносабатларини тозалаш, ўз ўзини ўзига англашти йўлидаги илк қадами, халқимизнинг маънавий ютуғидир. Бироқ бунга ҳам тор доирада амал қилинапти. Илк қадамни олқишламоқ керак.
Ёшларимизнинг миллий мафкурага бўлган эътиборларини янада кучайтириш учун катта ҳаракатлар олиб борилаётган бир жараёнда бу йўлда китобларни ёрдамга чақирган бўлардим. Чунки “Алпомиш”ни, “Ўтган кунлар”ни, Абдулла Ориповнинг шеърини, Эркин Воҳид шеърларини бугунги адабиётимизда яратилаётган ҳақиқий дурдоналарни ўқиган ҳар қандай фарзандда мафкуравий бўшлиқ, маънавий тубанлик бўлмайди.
Гулжамол АСҚАРОВА, “Туркистон” муҳбири



олиш керак, менимча. Чумоли — ҳайрат, кўёш — ҳайрат, сув — ҳайрат, тош — ҳайрат... Чексизлик қадар. Ҳаётнинг ўзи мўъжиза. Ҳар дами ҳайрат. Ҳайратлана олиш ҳам катта бахт. Бу бахтни Оллоҳ шоирларга сал кўпроқ насиб этгандир. Ёки улар айнан ҳайратлана олган учун ҳам шоир бўлиб кетгандир... Одамларни севиб керак, улар ҳатто ёмонлик қилиб қўйсалар ҳам. Улар аслида ёмон эмаслар.
— Устозлар, жумладан илк ўқитувчингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?
— Йигитнинг илк устози отаси бўлади. Отам бизларни мустақил ҳаётга эрта тайёрлаган, ҳалол меҳнатнинг қадрини, киши ҳақида хиёнат этмасликни оёдон тушунтирган. Бувим айтган ушуклар (эртақлар), ривоятлар, насихатлар ҳали қулоғимда. Холам ҳам донишманд аёл. Кўп китоб, газета ўқирди, бировга зиёни етмасди, аксинча, бегоналарга ҳам яхшилик қиларди. Илк ўқитувчим Комилда опани (онамнинг қиз дугонаси, уйда у кишини Ҳадия деб чақиривади) ҳалигача онамдек яхши кураман. Мактабда ўқимизга гап йўқ эди, лекин ёшимиз хунукроқ бўлган. Ўқитувчимнинг кўнчаклик билан қўлимни чимчилаб хусниҳатни ўргатганларини ҳалигача

МАМАЮСУФ МАКТАБ ОҚДИ


Булунғур тумани “Буюк ипак йўли” хўжалигидаги Жонўроз қишлоғида яшовчи Мамаюсуф Шодмонов шахсий жамғармаси ҳисобидан қурилган 240 ўринли мактаб очилди.
— Бу Мамаюсуф ака раҳбарлигида қишлоқда қурилган иккинчи муҳташам бино, — дейди Булунғур туман ҳокими ўринбосари Мамаюсуф Солмонов. — Ўтган йили у маданият ва маънавият маркази қурилишига бош-қош бўлган эди. Минг ишчига бир бошчи деганларидек, мактаб қурилишига бутун куч-ғайратини сарфлади.
Мамаюсуф ака 40 йил Самарқанд вилоятида эл саломатлиги учун жон куйдирган доришunos, юзлаб шифокорларга устоз бўлган мураббий. Мана икки йилдирки, у қариллик нафақасида.
Туман ҳокимлиги махсус қарор билан унга уч гектар ер ажратган. Майдонларда халқ табобатига за-

Савоб
рур бўладиган дори-вор ўсимликлар етиштирилиб, вилоят шифохоналарига жўнатилмоқда. Бу хайрли ишдан олинмаётган даромад эса қишлоқларда маданий, маиший бинолар қурилишига сарфланмоқда.
— Фарзандларимиз ўқимишли бўлса, республикамизнинг эртаси порлоқ бўлади, — дейди Мамаюсуф ака. — Ёшларимизни билимдон қилишни мустақиллик учун жон фидо қилган Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қорилар орзу қилганди. Президентимиз раҳнамолигида бу ниятлар амалга ошаётганидан хурсандман. Шу ишга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшдим.
Шу кунларда мактаб кучоғини тўлдирган ўғил-қизларнинг шодон кулгиси Мамаюсуф аканинг қалбини бир олам севингча тўлдириши тайин. Халққа хизмат қилишнинг савобини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди.
Мамаюсуф акадек инсонларни мустақиллик дунёга келтирмадими?
Пардабой ТОҶИБОВ



(Давоми. Аввали 1-бетда)
1999 йил Ирода Тўлағанова учун муваффақиятли кечди. Аввал Лондонда “Улкан тоғ” туркуминга кирувчи чемпионатда зафар кучди. Сўнг “Жарап орен” турнирида 18 ёшгача бўлган қизлар орасида голиба бўлди. Фукиокадан Осиё чемпионлигини қўлга киритиб қайтди. АҚШ да ўтказилган “US oren” турнирининг жуфтлик баҳсларида фахрли ўринини эгаллади. Сеулда “Пўлат кубок” ни қўлга киритди.
(Давоми 4-бетда)

МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ



Мактубларим

ЭРТА СЎЛГАН ЧЕЧАКЛАР

Нигоҳингни яширишга уринасан... Юзларинг лов-лов ёнади.
 Қўлингга атрофга сирли шуъла тараётган уч дона қизил атиргул...
 Хиёбон бўйлаб аста кетиб боряпмиз. Ҳар қадам босганимда қўлингга чечаклар ажиб бир тарзда силкиниб қўяр, улардан кўнгирак садосига ўхшаш майин оҳанг тараларди...
 Юриб-юриб кокиллари сувга солинирганча хаёлга чўмиб турган мажнунтол остига келдик. Сен тўхтадинг-да, ширин бир табассум билан:
 — Биласизми, бугун мен учун қандай кун? - деб сўрадинг.
 Мен елка қисдим. Билганим — айнан шу бугун учрашишни сен илтимос қилганинг.
 — Бугун... Бугун энг яқин кишимнинг туғилган куну...
 Минг бир истиҳола билан ушбу сўзларни айтинг, хаё яна юзларинг-

га қизиллик югуртирди. Менга узатилган чечаклар-да ҳаяжонга тўлган каби титрай бошлади...
 ... Юрагим гурс-гурс урганча уйғониб кетдим.
 "Таажуб! - деб кўнглимдан ўтказдим мен. - Нима учун айнан шу воқеа тушимга кирди? Ахир унинг содир бўлганига бир йилдан ошди-ку!"
 Нигоҳим нимқоронги хона ичида бе-самар кезинар экан, ногаҳон стол устида, гулдонга солиб қўйилган уч дона қизил атиргулга тушди-ю...
 Ажаб, кеча оқшом гулдонга солган чоғимда ял-ял товланиб, сирли шуъла таратиб турган чечаклар тонг отгунча сўлиб қолибди!
 Қалбим... қалбим зирқираб кетди. Чунки бу чечаклар менинг энг, энг яқин кишим, яъни сенга атаб олинган, аммо сен рад этган совға эди...
Маъруф ТОШПҮЛАТОВ

Олимпиада-2000

ОМАД ИНТИЛИШДА

Танишинг:
Гўзал Хуббиева — халқаро тоифадаги спорт устаси. 1976 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 12 ёшдан энгил атлетика билан шуғулланади. Ўзбекистон чемпиони. Марказий Осиё ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳибдори.

Ғолиблик шохсупасига кўтарилиш спортчи учун бахт. У ўша йўлда қатъият билан олға интилади. Тўмарис, Барчин каби момоларимизнинг издошлари бугун халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, мамлакатимиз байроғини баландга


баскетбол, валејболга қизикди. Югуриш жонудили. Катта спортнинг энгил атлетика турига кириб келиши ҳам қизиқишларига асос бўлган бўлса, ажаб эмас. Бунинг устига узлуксиз машқлар яхши самара берди. Орзу қилганидек, Сид-



кўтармоқда. Қахрамонимиз Гўзалнинг ютуқларидан фахрланасак арзийди. У яқинда Малайзияда ўтказилган халқаро очиқ турнирда томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди ва энгил атлетика маликаларидан бири деган ном олди. Гўзал болалигидан

нейда ўтказиладиган спорт мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди. Энди ундан каттагина меҳнат талаб қилинади. — Мақсадим, Олимпиада ўйинларида юртимиз шайнини ҳимоя қилиш, қолаверса жаҳон рекордини ўрнатсам, - дейди у ишонч билан.

Унинг режадаги ишлари талайгина. Кўплаб шогирдларни етказиш... Катта мусобақаларда қатнашиш... Жаҳон чемпионати... Яхши ният инсонни камолот чўққисига кўтарди.
Садоқат ЖАЛОЛОВА



Туркистон КАХВАХОНАСИ

Санъаткор ҳамиша янги қўшиқ яратиш орзуси билан яшайди. Демак, унинг қалбида доимо эзгу ниятлар, покиза туйғулар барқ уради. Самарқандлик хушовоз хонанда Эркин Қайтаров ана шундай қалб соҳиб.

МУХЛИСЛАР АРДОҒИДА

либ шу таёқ рубобга, рубоб торга алмашса, деган улуг орзу бор эди. Санъатнинг сир-асорларини ўрганган Эркин Қайтаров устоз санъаткорларнинг қўшиқларини ижро этиш баробарида ўзининг ҳам дастлабки қўшиқларини ярата бошлайди. Ёш ҳофиз айниқса Чустий ғазалларидан ўзига хос оҳанг тоғди. Илк уринишларининг ўзиёқ яхши самара



берганлигини, дўст-ёрлар кўнглини тоғдек кўтариб юборганлигини хонанда шавқ-завқ билан эслайди. Ўқув юрларида, маданият уйларида ишлаб тажриба орттирган хонанда айни пайтда "Ўзбекнаво" гострол концерт бирлашмаси Самарқанд вилоят бўлимининг бадий раҳбари. 130 дан ортиқ қўшиқлари мухлислар дилидан муносиб жой олган. Хонанда Сафия Сафтарова, Равшан Тўхтаев сингари истеъдодли шогирдлари борлигидан фахрланади. Икки ўғил ва бир қиз санъаткор хондонининг файзи. Яқинда У яна бир хайрли ишга қўл урди. Ўзи таҳсил олган Пайариқ тумани "Пахтакор" жамоа хўжалигидаги 15-мактабда хайрия концертини уюштирди. Концер-

тда кўплаб таниқли хонандалар иштирок этишди. Концертдан тушган маблағ, ўқув қуроллари билан таъминлашдек савобли ишга ажратилди. Бу ташаббусни жамоа хўжалиги маъмурияти қувватлаб, ярим миллион сўм маблағ тўхфатди. Вилоят халқ таълими бошқармаси эса алоҳида бир синфни тўлиқ жиҳозлаб берди. Эр етиб элга қайишган инсон ҳамиша халқнинг дуосида яшайди. Хонанда Эркин Қайтаров ҳам мухлисларининг олқишини, халқнинг дуосини олиб қирчиллама йигит ёшида янгида янги қўшиқлар яратмоқда. Биз хонандага эл дуоси билан кўқариб, элнинг ардоғида яшашдек улкан бахт ёр бўлсин деб ният билдираемиз.
Уйғун РЎЗИЕВ


ЁШЛАР КАМОЛИ УЧУН

Янги ўқув йилида Бахмал тумани маркази яна бир муҳташам бино билан чирой очадиган бўлди. Ўсмаат кўрғонида янги касб-хунар коллежи ўқувчиларни ўз бағрига олди. Бинонинг эшик ва ромлари ургутлик ёғоч ўймакорлари томонидан, бино пештоқлари бухоролик ганжкорлар томонидан тайёрланди. Пардозлаш ишларини эса жиззахлик қурувчилар амалга оширдилар.
Тожибой ПАРДАБОЕВ



(Давоми. Аввали 1,3-бетларда)
 2000 йилда Францияда ўтказилган "Челленжер" турнирида ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Шу йилда "Динамо" теннис клуби кортларида бўлиб ўтган "Tashkent open" нинг жуфтлик баҳсларида финал босқичига чиққан бўлса, яқка тартибда турнир ғолибаси номига сазовор бўлди.
 Таниқли фотоижодкор Абдуғани Жумаев томонидан "Сурат ва сийрат" фототанлови учун олинган ушбу суратларга боқиб, 18 ёшли юлдузнинг теннис оламидаги ҳаёти билан тўлиқ танишиб олиш мумкин. Зеро, уларда спортчимизнинг матонати ҳам, ҳаяжонини қувончи ҳам мужасамдир.

БОШҚОТИРМА



дан бири. 22. Англиядаги шаҳар. 23. Санъат тури. 24. Араб алифбосидаги ҳарф. 25. Қишда юриладиган чангили аравача. 26. Она кўшиги. 27. Товушнинг шартли ёзма белгиси. 28. Гуруҳ номи. 30. Спорт майдони. 32. Ҳандасавий шакл. 33. Давлат, бойлик. 34. Бирор нарса учун харж бўлган чиким. 35. Қасаллик тури. 36. Қиз исмининг синоними. 37. Ёзма иш тури. 38. Мушак тўқималари, эт.

ЭНИГА: 1. Судралиб юрвучи жонивор. 3. Ҳ.Олимжон асарининг қахрамони. 5. Отанинг синглиси. 7. Жаннат неъмат. 9. Ун икки буржнинг бири. 12. Планета номи. 14. Лотин Америкасидаги давлат. 17. Овқат ҳазм қилиш органларининг эластик найсимон қисми. 19. Мевали дарахт. 21. Муסיкий гуруҳ. 23. Дарё номи. 25. Россиядаги шаҳар. 27. Тикув асбоби. 29. Йўлни ёритишга хизмат қиладиган автомобиль чироғи. 31. Дурадгорлик асбоби. 34. Кассетали электр ўйини. 36. Хотин-қизлар исми охирига қўшилидиган сўз. 39. Чиршдан ҳосил бўлган зич масса. 40. Оила гули. 41. Бахтсизлик, бало.

Тузувчи:
Саодат ОЛИМЖОНОВА

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 1 сентябрь сонида эълон қилинган бошқотирма жавоблари

1. Офтоба. 2. Афродита. 3. Астарлик. 4. Кулчилик. 5. Кент. 6. Тулаганова (Ирода). 7. Адолат. 8. Тарақийёт. 9. Тико. 10. Универсида. 11. Америка. 12. Адабиёт. 13. Тожикистон. 14. Нашвати. 15. Ижод. 16. Даврон. 17. Нафармон. 18. Наҳанг. 19. Ганн. 20. Чакчи. 21. Чайворд. 22. Даромад. 23. Далварзиптепа. 24. Андихон. 25. Наво. 26. Оху. 27. Сандиқ. 28. Қизик. 29. "Қобуснома". 30. Азамат. 31. Толқон. 32. Наққош. 33. Шогирд. 34. Дармон. 35. Нос. 36. Сартарош. 37. Шаталок. 38. Қайс.

БҮЙИГА: 1. Ишонч, эътиқод. 2. Россиядаги дарё. 3. Иш харакатининг юзага чиқиши. 4. Мактуб, хат. 5. Мусбат зарядланган электрод. 6. Йиртқич ҳайвон. 8. Меваси йирик дарахт. 10. Миллат. 11. Дуккакли ўсимлик. 12. Тиш узакларини қоплаб турган эт. 13. Осмон, кўк. 14. Қон сўрувчи паразит жонивор. 15. Осиёдаги давлат. 16. Мевали дарахт. 18. Араб бўлмаган халқларнинг атамаси. 20. Баҳор ойлари.

Туркистон
 МУАССИС:
 ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМАРМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Тахрир ҳайъати:
 Хотам АБДУРАИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир уринбосари), Авазхон СОДИКОВ, Анавар ЖАВБОРОВ, Насриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул котиб), Шоазим МИНАВВАРОВ, Фаффор ХОТАМОВ, Қомил ЮСУПОВ

Манзилимиз:
 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
 Мухбирлар 133-95-97
 Хатлар бўлими 133-79-69

Навбатчи муҳаррир Сайфулла ТОҒАЕВ
 Тахриратта юборилган материаллар қайтарилмайд.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
 Буюртма Ғ - 710.
 Газета тахририят компьютер марказида тегили ва саҳифаланди

Рўқбатдан ўтиш тартиби № 00012.
 Ороет усулида босилган.
 Кўроз бичими А-2.
 Босилган топшириш вақти-20.00
 Топшириш вақти-21.00
 1 2 3 4 5 6